

Бизнесни стратегик ривожлантириш ва инвестиция бошқармасининг ахборотни ошкор қилиш ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш сиёсати.

“Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг Бизнесни стратегик ривожлантириш ва инвестиция бошқармаси инвесторлар, акциядорлар ва манфаатдор томонлар билан очик, шаффоф ва самарали ахборот алмашинувини таъминловчи ички сиёсати бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ахборотни ошкор қилиш тартиби;

- молиявий ҳисоботлар, муҳим корпоратив қарорлар ва инвестиция лойиҳалари ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида, ишончли ва аниқ шаклда ошкор қилиш.

2. Инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик;

- инвесторлар саволларига жавоб бериш, зарур маълумотларни тақдим этиш, учрашувлар ва тақдимотлар ташкил этиш.

3. Шаффофлик ва жавобгарлик;

- қонунчилик талабларига мувофиқ ахборотни ошкор қилиш, манипуляцияга йўл қўймаслик ва инсайдер ахборотдан фойдаланишни чеклаш.

4. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш;

- ахборотдан ноқонуний ёки шахсий манфаатлар йўлида фойдаланишни чекловчи қоидалар.

Шу билан бирга, келишувга эришилиб, меморандум тасдиқлангандан сўнг, ушбу сиёсатда кўзда тутилган барча механизмлар, ахборот алмашинуви тартиблари ва инвесторлар билан ҳамкорлик воситалари тўлиқ ишга туширилади ва амалда таъминланади.

**БСРИваИ бошқарма
бошлиғи ўринбосари**



Х.Абдулазизов